

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РЎЗМЕТОВА ДИЛДОРА ТЎЛИБАЕВНА

**ДИСТИЛЛЯЦИЯЛАНГАН ЁҒ КИСЛОТАСИНИ МАҲАЛЛИЙ
ГИЛМОЯЛИ АДСОРБЕНТЛАР ЁРДАМИДА ОҚЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.11- Коллоид ва мембрана кимёси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Рўзметова Дилдора Тўлибаевна

Дистиляцияланган ёғ кислотасини маҳаллий гилмояли адсорбентлар
ёрдамида оқлаш технологиясини ишлаб чиқиш 3

Рузметова Дилдора Тулибаевна

Разработка технологии отбели дистиллированных жирных кислот
местными глинистыми адсорбентами..... 22

Ruzmetova Dildora Tulibaevna

Development of technology for bleaching distilled fatty acids with local clay
adsorbents 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ 44
List of published works.....

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/T583 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.iopx.uz ва «Ziyouet» ахборот таълим порталида (www.ziyouet.com) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Салиханова Дилноза Саидқабаровна
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Исмоилов Равшан Исроилович
кимё фанлари доктори, профессор

Эркабаев Фурқат Илясович
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:


Наманган муҳандислик-технология
институтини

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.K/T.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «20» ноябрь, 2020 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: iopxanguz@mail.ru).


Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (18 -рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90).

Диссертация автореферати 2020 йил «9» 11 кун тарқатилди.
(2020 йил «9» 11 № 18 - рақамли реестр баённомаси).




Б.С. Закиров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.ф.д., проф.


А.Р. Сейтназаров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т.ф.д.


С.А. Абдурахимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси ўринбосари,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда асосида сирт фаол моддалар (СФМ), совун, эфир, спирт ва бошқалар учун хом-ашё бўлган ёғ кислоталарини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга катта эътибор берилмоқда. Шу сабабли, асосий эътибор ёғ кислоталари олишнинг қайта тикланадиган хом ашё манбаларига, хусусан ўсимлик мойларига қаратилмоқда. Ҳозирги кунда бутун дунёда атир совун, крем, малҳам ва бошқа косметика маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун мойли асос сифатида ишлатиладиган ёғ кислоталари ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларининг сифатини яхшилашнинг илмий асосларни яратиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб бориш алоҳида аҳамиятга эга.

Жаҳон миқёсида ёғ кислоталарини олиш учун хомашё турларини кенгайтириш, уларни ажратиб олиш ва қўллаш соҳаларини кенгайтириш бўйича қуйидаги илмий ечимларни асослаш: хом ёғ кислоталарини дистилляциялаш жараёнининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш; дистилляцияланган ёғ кислоталарини тозалаш ва оқлаш учун самарали гилмояли адсорбентларни танлаш; дистилланган ёғ кислоталарини қаттиқ (тўйинган) ва суюқ (тўйинмаган) фракцияларга ажратиш ва уларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш; дистилляцияланган ёғ кислоталарини танлаб олинган фаол гилмояли адсорбентлар билан тозалаш ва оқлаш технологиясини ишлаб чиқиш зарур.

Ҳозирги кунда республикада тегишли йўналишларда оқилона ишлатиш мақсадида, пахта соапстоги дистилланган ёғ кислоталарини ишлаб чиқариш ва уларни тўйинган (қаттиқ) ва тўйинмаган (суюқ) фракцияларга ажратишда маълум ютуқларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...маҳаллий хом ашёларни чуқур қайта ишлаш асосида янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш, сифат жиҳатидан ишлаб чиқаришни янги поғонага кўтариш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш»¹ га қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан маҳаллий хом-ашё, яъни пахта соапстогидан олинган ёғ кислоталарининг сифатини ошириш ва қўлланилиш майдонларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги, 2018 йил 19 январдаги ПФ-3484-сон «Ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ва 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4118 -сон «Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида»ги Қарори, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги. Ушбу тадқиқот республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII устувор йўналиши «Кимёвий технология ва нанотехнология» га мувофиқ амалга оширилди.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Ёғ кислоталарини ишлаб чиқариш ва уларни фракциялаш, шунингдек адсорбцияли тозалаш технологияси бўйича А.Л.Маркман, Б.Н.Тютюнников, И.М.Товбин, А.И.Глушенкова, Р.Л.Перкель, А.Г.Сергеев, В.В.Белобородов, Н.С.Арутюнян, Е.П.Корнена, О.С.Восканян, В.Х.Паронян, Н.Л.Меламуд, А.А.Абдурахимов, Ю.К.Кадилов, Т.Т.Мирхаликов, С.А.Абдурахимов, К.Х.Маджидов, И.Б.Исабаев ва бошқалар илмий изланишлар олиб борганлар. Улар томонидан ёғ кислоталарини ишлаб чиқариш, уларни дистилляциялаш, фракциялаш, оқлаш технологиялари такомиллаштирилди, бу маълум даражада уларнинг сифатини яхшилашга ва уларни қўллаш соҳаларини кенгайтиришга имкон берди.

Илмий-техник адабиётларда гилли минералларини фаоллантириш ва олинган адсорбентларни қўллаш соҳасига боғлиқ ҳолда уларнинг коллоид-кимёвий ҳоссаларини бошқарган (Ахмедов К.С., Арипов Э.А., Глекель Ф.Л., Хамраев С.С., Аминов С.Н., Агзамходжаев А.А., Ахмедов У.К., Рахматқариев Г.У., Муминов С.З., Хамидов Б.Н., Нарметова Г.Р., Ризаев Н.У., Гуро В.П., Эшметов И.Д.) ҳолда фаоллантириш ва модификация қилиш ва уларни адсорбцион жараёнларга қўллашга қаратилган.

Шу билан бир қаторга, пахта соапстогидан олинадиган тўқ рангли ёғ кислоталарини адсорбцияли тозалаш ва уларни турли соҳаларда фойдаланиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Тадқиқот ишининг диссертация бажарилган олий ўқув юртининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан алоқаси. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ЕА13-ФА-О-11985 «Пахта ёғларини тозалаш учун мўлжалланган янги кўмир ишқорли композицион адсорбентларни ишлаб чиқиш» (2014-2015 й.й.) ва ФА-А13-Т131 «Рангли металлургия технологик қоришмаларини, нефт ва газни қайта ишлаш чиқиндиларини ва ўсимлик ҳом ашёсини қайта ишлаш маҳсулотларини адсорбциялаб тозалаш технологияси» (2015-2017 й.й.) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади дистилляцияланган ёғ кислоталарини маҳаллий гилмояли адсорбентлар ёрдамида оқлаш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ёғ кислоталари ишлаб чиқариш учун йўналтирилган пахта соапстоги ва ундан олинган ёғ кислоталарининг физик-кимёвий кўрсаткичларини ўрганиш;

ёғ кислоталарини тўйинган ва тўйинмаган фракцияларни физик-

кимёвий ва сифат кўрсаткичларини ўрганиш;

дистилляцияланган ёғ кислоталарини тозалаш ва оқлаш учун самарали гилмояли адсорбентларни танлаш;

ёғ кислоталарини тозалаш ва оқлаш учун гилмояли адсорбентларни фаоллаштириш жараёнини танлаш ва ўтказиш;

дистилланган ёғ кислоталари ва уларнинг алоҳида қаттиқ (тўйинган) ва суюқ (тўйинмаган) фракцияларини фаоллантирилган бентонит ва каолинли адсорбентлар ёрдамида оқлаш жараёнини мақбул шароитларини аниқлаш;

дистилланган ёғ кислоталарини танлаб олинган фаол гилмояли адсорбентлар билан тозалаш ва оқлаш технологиясини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган технологиянинг саноат-тажриба синовлари ва уларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объектлари пахта соапстоги хом ва дистилланган ёғ кислоталари, шунингдек уларнинг алоҳида (тўйинган ва тўйинмаган) фракцияларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети пахта соапстоги хом ва дистилланган ёғ кислоталарини, шунингдек уларнинг алоҳида фракцияларини ишлаб чиқилган гилмояли адсорбентлар ёрдамида адсорбцияли тозалаш ва оқлаш қонуниятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида замонавий физик, кимёвий ва физик-кимёвий усуллар (ИК, ГСХ, ЮҚХ) таҳлиллари ва олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар:

пахта соапстоги ёғ кислоталарини ва уларнинг алоҳида фракцияларини тозалаш ва оқлаш учун юқори фаоллаштирилган каолинли адсорбент олиш технологияси ишлаб чиқилган;

каолинли адсорбентларни термик фаоллашда ЎЮЧ-нурланиш анъанавий конвектив усулга қараганда самаралироқ эканлиги аниқланган;

дистилланган ёғ кислоталарида, уларни ишлаб чиқилган каолинли адсорбентларда адсорбцион тозалашни мураккаблаштирувчи госсипол ҳосилалари эркин госсиполга қараганда кўплиги аниқланган;

пахта соапстоки таркибидаги дистилланган ёғ кислоталарининг тўйинган (қаттиқ) фракцияси тўйинмаган (суюқ) фракцияга қараганда очроқ рангли эканлиги ва шу сабабли уларни алоҳида адсорбцияли тозалаш ва оқлаш дифференциал шароитларда амалга оширилиши кераклиги аниқланган;

пахта соапстоги дистилланган ёғ кислоталари ва уларнинг алоҳида фракцияларини ишлаб чиқилган гилмояли адсорбентлар билан тозалаш ва оқлаш технологияси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилар:

ўта юқори частотали нурланиш ёрдамида каолинли адсорбентлар олиш технологияси такомиллаштирилган;

пахта соапстоги дистилланган ёғ кислоталари ва уларнинг алоҳида фракцияларини маҳаллий каолин адсорбентларида тозалаш ва оқлашнинг мақбул шартлар ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган пахта соапстоги ёғ кислоталарини маҳаллий каолинли адсорбентларда тозалаш ва оқлаш технологияси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган натижалар замонавий тадқиқот усулларини қўллаш билан асосланган ва тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ноанъанавий усуллар ёрдамида фаоллаштирилган маҳаллий каолин, бентонит адсорбентлари ёрдамида госсипол ва унинг ҳосилаларини яхши (селективлиги) адсорбцияланиши, пахта соапстоки таркибидаги дистилланган ёғ кислоталарининг тўйинган (қаттиқ) фракцияси тўйинмаган (суюқ) фракцияга қараганда очроқ рангли эканлиги ва шу сабабли уларни алоҳида адсорбцияли тозалаш ва оқлаш зарурлиги, ўз навбатида, олинаётган ёғ кислотасининг сифатини оширишга асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти пахта соапстоги ёғ кислоталари ва уларнинг алоҳида фракцияларини тозалаш ва оқлаш учун юқори фаоллаштирилган каолинли адсорбент олиш технологияси ишлаб чиқиш ва маҳаллий гил минералларидан фаоллаштирилган адсорбентлар олиш учун мўлжалланган янги ишлаб чиқариш корхоналарини лойиҳалаш ва қуришда, шунингдек шу соҳада ўқитиладиган бакалавр ва магистрларга дарслик сифатида ўқув жараёнида қўлланилишига ҳизмат қилади.

Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш. Дистилланган ёғ кислоталарини маҳаллий гилмояли адсорбентлар билан оқлаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар натижалари асосида:

ўта юқори частотали нурланиш ёрдамида термик фаоллаштирилган каолин адсорбентларини олиш технологияси «Урганч ёғ-мой»АЖ да 2021-2023 йилларда амалга ошириладиган истиқболли ишланмалар рўйхатига киритилган («Узёғмойсаноат» уюшмасининг 2020 йил 26 октябрдаги АА/5-1145 маълумотномаси). Натижада импорт қилинадиган қиммат адсорбентни арзон маҳаллий аналог билан алмаштириш ва олинадиган маҳсулотларнинг таннархини 35-50% га камайтириш имконини берган;

пахта соапстоги дистилляцияланган ёғ кислоталарини ишлаб чиқилган фаоллаштирилган каолинли адсорбентларда тозалаш ва оқлаш технологияси «Урганч ёғ-мой»АЖ да 2021-2023 йилларда амалга ошириладиган истиқболли ишланмалар рўйхатига киритилган («Узёғмойсаноат» уюшмасининг 2020 йил 26 октябрдаги АА/5-1145 маълумотномаси). Натижада олинадиган маҳсулотларнинг рангини 40-60% га камайтириш имконини берди;

пахта соапстоги ёғ кислотаси тўйинган (қаттиқ) ва тўйинмаган (суюқ) фракцияларини ишлаб чиқилган каолинли адсорбентларда тозалаш ва оқлаш технологияси «Урганч ёғ-мой»АЖ да 2021-2023 йилларда амалга ошириладиган истиқболли ишланмалар рўйхатига киритилган («Узёғмойсаноат» уюшмасининг 2020 йил 26 октябрдаги АА/5-1145 маълумотномаси). Натижада олинадиган маҳсулотларнинг фойдаланиш соҳалари кўламини кенгайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-техник конференцияларида маъруза қилинди, муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 6 та мақола, шу жумладан 4 таси хорижий ва 2 таси республика докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг таркиби ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари тавсифланган, тадқиқотнинг объекти ва предмети аниқланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Пахта соапстоги ёғ кислоталари ва уларнинг алоҳида фракцияларини олиш технологиясининг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида илмий-техник нашрлар ва патент адабиётлари материаллари асосида ёғ кислоталарини тозалаш ва оқартириш учун фаол гилмояли адсорбентларни олиш технологияси, пахта соапстоги таркиби ва хусусиятлари, пахта соапстогидан ёғ кислоталарини олиш технологиялари бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар ҳақида умумий маълумотлар келтирилган. Ушбу муаммоларни танқидий таҳлил қилиш асосида диссертация тадқиқотининг мақсади ва вазифалари шакллантирилди.


Диссертациянинг «**Тажриба техникаси, хомашё ва оқланган дистилланган ёғ кислоталарини таҳлил қилиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида соапсток ва ёғ кислоталарини дистиллаш ва оқлашдан олдин ва кейин таҳлил қилиш усуллари, шунингдек гилмояли адсорбентларни таҳлил қилишга, ёғ кислоталарини адсорбцион тозалаш ва оқлаш, ҳамда уларни фракциялаш лаборатория ускуналарини тавсифлашга бағишланган. Шунингдек, пахта соапстоги ва ундан ажратилган ёғ кислоталари ҳамда уларнинг алоҳида фракцияларининг таҳлил натижалари, шу билан бирга экспериментал маълумотларни статистик қайта ишлаш ва ўлчов хатоларини баҳолаш усуллари келтирилган.

«Урганч ёғ-мой» АЖ да ёғ кислоталари аралашмаси ишлаб чиқарилади ва у асосан хўжалик совуни ишлаб чиқаришда қўлланилади. Аммо бу аралашма таркибида сезиларли микдордаги тўйинган ва тўйинмаган ёғ кислоталар мавжуд (1-жадвал).

Ўрганилган ёғ кислоталари намуналарининг ёғ кислота таркиби

Ёғ кислоталарининг номи	Z-55 (Хитой)	Соапсток АЖ «Урганч ёғ-мой»	Ёғ кислота аралашмаси АЖ «Урганч ёғ-мой»
	№1	№2	№3
Каприн кислота (C _{10:0})	0,09	0,11	0,49
Лаурин кислота (C _{12:0})	0,11	0,13	0,14
Миристин кислота (C _{14:0})	1,10	0,92	1,16
Пальмитин кислота (C _{16:0})	10,90	30,39	40,14
Пальмитолеин кислота (C _{16:1})	0,55	0,73	0,82
Маргарин кислота (C _{17:0})	0,1	0,12	0,19
Стеарин кислота (C _{18:0})	4,11	3,02	3,67
Олеин кислота (C _{18:1})	58,69	24,70	26,58
Линол кислота (C _{18:2})	23,20	38,98	25,79
Арахин кислота (C _{20:0})	0,5	0,49	0,38
Эйкозан кислота (C _{20:1})	0,3	0,10	0,43
Беген кислота (C _{22:0})	0,1	0,20	0,21
Σ – тўйинган ЁК	17,01	35,49	46,38
Σ – тўйинмаган ЁК	82,74	64,51	53,62

1-расмда назорат намунаси Z-55 (Хитой) (а), «Урганч ёғ-мой» АЖ соапстоги (б) ва «Урганч ёғ-мой» АЖ нинг олеин-пальмитин кислота аралашмаси (с) нинг ёғ кислотаси таркиби келтирилган.



Расм 1. Назорат намунаси Z-55 (Хитой) (а), «Урганч ёғ-мой» АЖ соапстоги (б) ва «Урганч ёғ-мой» АЖ олеин-пальмитин кислота фракцияси (с) нинг ёғ кислотаси таркиби хроматограммаси.


1-жадвал ва 1-расмдан тўйинган ва тўйинмаган ЁК нисбатининг ўзгариши кўриниб турибди. 1-жадвалдан кўриниб турибдики, «Урганч ёғ-мой» АЖ соапстогида «Урганч ёғ-мой» АЖ ЁК аралашмасига қараганда тўйинмаган ЁК лар 1,2 марта кўп, тўйинган ЁК лар эса 0,7 марта камдир. Бу эса тўйинмаган ЁК ларини тўйинганларидан ажратишни янада мураккаблаштиради. Соапсток намунасида пальмитин кислота миқдори 30,39%, ёғ кислота аралашмаси дистилляциясидан кейин бу кўрсаткич 40,14% га тенг. Олеин кислота миқдори – 24,70%, дистилляциядан кейин эса – 26,58% га тенг бўлади. Навбатда «Урганч ёғ-мой» АЖ ёғ кислота аралашмасининг физик кўрсаткичлари ўрганилди.

Биобарин, ўтказилган тадқиқотлар юқори олеинли мойлардан олинган олеин кислоталарнинг назорат намунасида тўйинмаган кислоталарнинг миқдори 82,74%, «Урганч ёғ-мой» АЖ нинг олеин-пальмитин кислота аралашмасининг намуналарида эса 53,62% деган хулосага келишимизга имкон беради.

Диссертациянинг **«Танланган гилмояли адсорбентларда пахта соапстоги ёғ кислоталарини адсорбцияли тозалаш ва оқлаш жараёнини ўрганиш»** деб номланган учинчи бобида пахта соапстоги таркибига боғлиқ ҳолда ёғ кислоталарининг чиқиши ва сифатини ўрганишга, пахта соапстоги ёғ кислоталарини тозалаш ва оқлаш учун самарали адсорбент олиш мақсадида маҳаллий гилмояли минералларнинг фаоллашувини тадқиқ қилишга, пахта соапстоги ёғ кислоталарини кислотали фаоллантирилган адсорбентларда тозалаш жараёнининг селектив сорбцияси ва кинетик қонуниятларини ўрганишга, пахта соапстоги ёғ кислоталарини термик фаоллантирилган адсорбентларда тозалаш жараёнининг селектив сорбцияси ва кинетик қонуниятларини ўрганишга, шунингдек пахта соапстоги ёғ кислоталари ва уларнинг алоҳида фракцияларини ишлаб чиқилган адсорбентларда адсорбцияли тозалаш ва оқлаш жараёнларини ўрганишга бағишланган.


2-расмда турли концентрацияли эритмалар билан парчаланиш жараёнида органик кислота тузлари миқдорининг вақт ўтиши билан ўзгариши ва 3 расмда жараённинг давомийлигига қараб пахта соапстоги ёғ кислоталарининг қовушоқлигини ва қотиш температурасининг ўзгариши келтирилган.

2 ва 3-расмлар шуни кўрсатадики, бу жараёнлар янги фазани чиқариш тезлигининг кескин ўсиши (2-расм), реакция аралашмаси қовушоқлигининг бир неча баробар кўпайиши ва ёғ фазаси қотиш температурасининг 90°C гача кўтарилиши билан (3-расм) билан кескин кечади. Физик хусусиятларнинг ўзгариши эмульгирланиш ва кумоқ шаклланиши билан бирга боради. Дистилланган соапсток кислоталари асосида соапсток ва совун эритмаларининг парчаланиш хусусиятларини таққослаш (3-расм) соапсток таркибида аралашмаларнинг мавжудлиги ўтиш даврида тизимнинг физик хусусиятлари ўзгариши диапозонини кенгайтиради деган хулосага келишимизга имкон беради.



1- содун миқдори 10%; 2- содун миқдори 20%;
3- содун миқдори 30%; 4-ёғли фазанинг ажралиш тезлиги.

Расм 2. Органик кислота тузларининг (1, 2 ва 3 эгри чизиклар) ва ПСи парчаланишида ёғли фаза ажралиш тезлигининг (4 эгри чизик) вақт реакциясига боғлиқлиги.




1, 3-пахта соапстогининг парчаланиши;
2, 4- дистилланган кислота содунларининг парчаланиши.

Расм 3. Пахта соапстогининг парчаланишида қовушоқлик (1 ва 2 эгри чизиклар) ва ёғли фаза қотиш температурасининг (3 ва 4 эгри чизиклар) ўзгариши


Бинобарин, пахта соапстогидан олинаётган ёғ кислоталарининг чиқиши ва сифати уни парчалаш шароитлари ва бошқа ўзгарувчан факторларга узвий боғлиқ.

Тупроқнинг сульфат кислотали фаоллантириш температураси олинадиган адсорбентнинг фаоллигини таъминловчи муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Буни ҳисобга олган ҳолда, тажриба айланиш тезлиги 1000 айл/сек бўлган ротор-статорли МКФ ускунасида амалга оширилди.



1-Навбаҳор ишқорли бентонити
2-Тулсоҳ карбонатли палигорскити

Расм 4. Адсорбентларнинг ротор-статорли МКФ да фаоллантириш температурасига боғлиқ ҳолда адсорбцион фаоллигининг ўзгариши



1,3-Султон-Увайс каолини
2,4-Ангрэн каолини

Расм 5. Адсорбентларнинг ЎЮЧ нурланиш давомийлигига боғлиқ ҳолда умумий (1 ва 2 эгри чизиклар) ва ўзгарувчан ғовақлик (3 ва 4 эгри чизиклар) ҳажмининг ўзгариши


4-расмга кўра, МКФ ротор-статор ускунасида фаоллантириш температурасининг ошиши билан Навбаҳор ишқорий бентонити (1 эгри чизик) ва Тулсоҳ карбонатли-палигорскити (2 эгри чизик) нинг адсорбциялаш фаоллиги ошади. Шу билан бирга, Навбаҳор ишқорий бентонити учун фаоллик 60-65⁰С да барқарорлашади. Бундан кейин ҳароратнинг янада ошиши иккала тупроқда ҳам адсорбцион фаоллиқни ўзгартирмайди.

Ўта юқори частотали нурланиш давомийлиги олинган каолинли адсорбентларнинг ғоваклилик параметрларига таъсири ўрганилди. Бундай ўта юқори частотали нурланиш 2450 МГц ва қуввати 600 Вт га тенг бўлди (5-расм).


5-расмда ўта юқори частотали нурланиш вақтининг 30 минутга ошиши билан ҳар иккала каолинли адсорбентларда, Ангрен каолинида 0,22 см³/г гача, Султон-Увайс каолинида 0,25 см³/г гача, умумий ғоваклик ҳажмининг ошиши кузатилади.

Махсус лаборатория ускунасида Ангрен кони бойитилган каолинидан олинган, термофаоллантирилган каолинли адсорбенти билан контактли усулда пахта соапстоги ёғ кислоталари аралашмасини тозалаш усули ўрганиб чиқилди.

Биринчи тажрибада танланган адсорбентнинг пахта соапстоги ёғ кислоталари асосий компонентларини 70°C температурада ва фазаларнинг 200 айл/мин интенсив аралашшида сорбциялаш қобилияти ўрганилди. Киритилган адсорбент миқдори ёғ кислоталар массасига нисбатан 3% ни ташкил қилди. (6-расм).



1-пальмитин кислота; 2-линол кислота;
3-госсипол ва унинг ҳосилалари; 4-фосфолипидлар
Расм 6. ПС ДЁК компонентлари сорбцион фаоллигининг тозалаш вақтига боғлиқ ҳолда ўзгариши



1-фосфатидилхолин; 2-фосфатидилэтанолламин;
3-фосфатидилинозитол; 4-фосфатид кислоталар
Расм 7. Каолинли адсорбент сорбцион фаоллигининг фосфолипидлар табиатига боғлиқ ҳолда ўзгариши

6-расмга кўра, энг юқори сорбция фаоллигини (4 эгри чизик) ноионоген сирт фаол моддалардан бўлган фосфолипидлар кўрсатди. Бунда аксинча, госсипол ва унинг ҳосилалари энг кам кўрсаткич намоён қилди (3 эгри чизик). Пахта соапстогида катта миқдорда мавжуд бўлган пальмитин ва линол кислоталари оралик ҳолатни кўрсатди.

Шунингдек, фосфолипидларнинг ҳар хил турлари билан Ангрен кони термик фаоллантирилган каолинли адсорбентларининг сорбцияланиш кинетикаси ўрганилди. Бунда киритилган адсорбент миқдори ёғ кислоталари массасининг 3% ини ташкил этди (7-расм).


7-расмга кўра, энг катта сорбция фаоллигини Ангрен кони термик фаоллаштирилган каолинли адсорбентда, тартибига кўра кўпроқ ютилган фосфатидилхолин (1 эгри чизик) ва фосфатидилэтанолламин (2 эгри чизик) кўрсатди. Аксинча, энг кам кўрсаткични юқоридаги адсорбентда кам

ютилган фосфатидилинозитол (3 эгри чизик) ва фосфатид кислоталар (4 эгри чизик) кўрсатди.


Шубҳасиз, ёғ кислоталарининг сорбцияси кинетикаси ушбу жараённинг ҳароратига боғлиқ бўлиб, у ортиши билан уларнинг қовушоқлиги ва сирт таранглигини пасайтиради, шунингдек ишлатилаётган адсорбентнинг сорбция фаоллигини оширади. Шу билан бирга, температура диапозони чегаралари ҳақида ҳам унутмаслик керак. Ҳароратнинг 80°C дан юқори кўтарилиши ёғ кислоталарининг перикс сонини сезиларли даражада оширади. Аксинча, ҳароратнинг 50°C дан пасайиши, сорбцияли тозалаш қийин бўлган мазсимон масса ҳосил бўлишига олиб келади.

Шунинг учун термик фаоллантирилган каолинли адсорбентда ёғ кислоталарини тозалаш учун мақбул ҳароратни танлаш иқтисодий нуқтаи назардан ҳам, олинган маҳсулот сифатини таъминлаш учун ҳам муҳим ҳисобланади.

Лаборатория шароитида пахта соапстоги ёғ кислотаси компонентларининг сорбция фаоллиги уларни тозалаш жараёнида температуранинг ўзгариши қараб ўрганилди. (8-расм).



1-пальмитин кислота; 2-линол кислота;
3-госсипол ва унинг ҳосилалари; 4-фосфолипидлар
Расм 8. Адсорбентнинг сорбцион фаоллигининг ПС ЁК компонентларини тозалаш жараёни температурасига боғлиқ ҳолда ўзгариши



1-фосфатидилхолин; 2-фосфатидилэтанолламин;
3-фосфатидилинозитол; 4-фосфатид кислоталар
Расм 9. Фосфолипидлар сорбцион фаоллигининг ПС ЁК компонентларини тозалаш жараёни температурасига боғлиқ ҳолда ўзгариши

8-расмга кўра, пахта соапстоги ёғ кислоталарини тозалаш жараёнида ҳароратнинг ошиши билан деярли барча компонентларнинг сорбция фаоллиги ошади. Шу билан бирга, фосфолипидлар каолин адсорбентда энг интенсив равишда сўрилади (4 эгри чизик).

Фосфолипидларнинг сорбция фаоллиги уларни тозалаш жараёнида ҳароратга қараб ўзгариши ўрганилди (9-расм).

9-расмга кўра, ҳарорат ошиши билан деярли барча ўрганилаётган фосфолипидларда сорбция фаоллиги ошади. 70°C дан кейин фаолликнинг ошиши биров барқарорлаша бошлайди.

**Дистилланган ёғ кислоталарининг дастлабки ва тозаланган суюқ ва қаттиқ фракцияларининг танланган маҳаллий
фаоллантирилган адсорбентлардаги асосий физик-кимёвий кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар номи	ЁК суюқ фракциясининг дастлабки кўрсаткичлари	Тозаланган ЁК суюқ фракциясининг кўрсаткичлари куйидаги адсорбентларнинг 4% сарфида				ЁК қаттиқ фракциясининг дастлабки кўрсаткичлари	Тозаланган ЁК қаттиқ фракциясининг кўрсаткичлари куйидаги адсорбентларнинг 4% сарфида			
		НИБ	ТКП	АК	СУК		НИБ	ТКП	АК	СУК
Қотган ҳолатдаги ранги, 20°С да	Тўқ-сарик	оч-сарик		сарғиш-оқ		Тўқ-сарик	оч-сарик		сарғиш-оқ	
Ҳид	ЁК га хос	тозаланган ЁК га хос				ЁК га хос	тозаланган ЁК га хос			
Кислота сони, мг КОН/г	199,8	199,2	199,7	199,8	199,5	192,5	192,2	192,4	192,7	192,5
Намлик ва учувчан моддаларнинг масса улуши, %	0,26	0,15	0,18	0,17	2,1	0,18	0,1	0,12	0,15	0,16
Совунланмайдиган моддаларнинг масса улуши, %	1,8	1,0	1,3	1,2	0,8	1,2	0,8	1,0	0,7	0,5
ЁК нинг қотиш температураси (титр), °С	31,2	31,4	31,0	31,3	31,5	35,8	35,6	35,8	35,4	35,7
Госсипол миқдори, %	5,5	3,0	3,2	2,8	2,5	5,1	2,8	3,0	2,5	2,3
Сульфат кислота (сифат намунаси)	мавжуд эмас	мавжуд эмас				мавжуд эмас	мавжуд эмас			
ПС ДЁК нинг оқланган фракциясининг чиқиши, %	-	97,4	97,6	98,0	98,2	-	97,7	97,5	98,2	98,5

Эслатма: НИБ – Навбахор ишқорий бентонити, ТКП – Тулсоҳ карбонатли палигorskити, АК – Ангрен каолини, СУК – Султон-Увайс каолини


Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, пахта соапстоги ёғ кислоталарининг компонентлари Султон-Увайс ва Ангрэн конлари термик фаоллантирилган каолинли адсорбентида яхши сўрилади. Ёғ кислоталарининг гилмояли адсорбентларида адсорбцияли тозалаш технологиясини ишлаб чиқиш жараёнида бу параметрлар ҳисобга олиниши керак.

Дистилланган ёғ кислоталари уларнинг физик-кимёвий кўрсаткичларига қараб ишлатилади, масалан, қотиш нуқтаси (титр), ранги, ёғ бўлмаган моддаларнинг миқдори ва б., шунинг учун кейинги вақтларда пахта соапстоги дистилланган ёғ кислоталарининг қаттиқ ва суюқ фракцияларини ректификация йўли билан ажратиш учун технологик қурилмалар жорий этилмоққа. Бундай қурилмалардан фойдаланиш ранг берувчи пигментларни (госсипол, хлорофилл ва уларнинг ҳосилалари) ва ёғ бўлмаган моддаларни максимал даражада йўқ қилишга имкон бермайди. Шу сабабли ПС ДЁК нинг қаттиқ ва суюқ фракцияларини танланган адсорбентларда адсорбцияли тозалаш имконияти ўрганилди (2-жадвал).

2 жадвалдан кўриниб турибдики, танланган адсорбентларда ПС ДЁК нинг қаттиқ ва суюқ фракцияларини оқлаш уларнинг сифатини яхшилашга имкон беради, хусусан, ранги тўқ сариқдан сарғиш-оқ ранггача пасаяди, госсипол миқдори СУК адсорбентида ПС ДЁК нинг суюқ фракциясида 5,5 дан 2,5% гача, СУК адсорбентида ПС ДЁК нинг қаттиқ фракциясида 5,1 дан 2,3% гача камаёди. Бунда СУК каолинли адсорбентидан фойдаланганда ПС ДЁК нинг оқланган суюқ ва қаттиқ фракцияларининг энг катта чиқиши кузатилади.

Диссертациянинг «**Дистилланган ёғ кислоталарини маҳаллий гилмояли адсорбентлари билан оқлаш технологиясини ишлаб чиқиш**» деб номланган тўртинчи бобида ПС ДЁК ва уларнинг алоҳида фракцияларини маҳаллий гилмояли адсорбентларда оқлашнинг технологик схемаси ва шартларини ишлаб чиқишга, ишлаб чиқилган маҳаллий гилмояли адсорбентларда оқлаш технологиясининг тажриба синовлари натижалари, шунингдек, ПС ДЁК ва уларнинг алоҳида фракцияларини маҳаллий гилмояли адсорбентларда оқлаш технологиясини жорий этилишидаги иқтисодий самарадорликни ҳисоблашга бағишланган.

Пахта соапстоги дистилланган ёғ кислоталари ва уларнинг алоҳида фракцияларини оқлашнинг, коррозияга чидамли пўлатлар ва футерли ускуналардан фойдаланишни назарда тутган узлуксиз технологик схемаси ишлаб чиқилди (10-расм).



1- ЁК учун бак; 2, 10, 12, 15, 20-насослар; 3-иситгич; 4-вакуум-оқловчи ускуна; 5-адсорбент учун дозатор; 6-деаэрация камераси; 7-бункер; 8, 9-гилмояли адсорбентлар учун сиғим; 11-фильтр; 13-совутгич; 14-оқланган ЁК учун сиғим; 16-томчи тутгич; 17-конденсатор; 18-сепаратор; 19-мойтутгич.

Расм 10. Танланган маҳаллий фаоллаштирилган адсорбентларда ЁК ларни адсорбцияли оқлашнинг ишлаб чиқилган технологик схемаси

Ўтказилган лаборатория ва саноат-тажриба тадқиқотлари асосида пахта соапстоги дистилланган ёғ кислоталари ва уларнинг алоҳида фракцияларини оқлашнинг технологик шартлари ва нормалари ишлаб чиқилди.

Маълумки, дистилланган ёғ кислоталарининг ранги уларни косметика маҳсулотлари ва атир совунлар ишлаб чиқаришда ишлатишга имкон бермайди. Буни бартараф этиш учун дистилланган ёғ кислоталарини фаоллаштирилган маҳаллий гилмояли адсорбентларда тозалашга йўналтирилди. Бунинг учун Султон-Увайс каолини ўта юқори частотали нурланиш ёрдамида 30 минут давомида термик фаоллантирилди. Шу билан бирга, назорат сифатида Грузиядан келтирилган импорт асканит адсорбенти ишлатилди. Иккала ҳолатда ҳам ўрганилаётган адсорбентлар оқланадиган пахта соапстоги дистилланган ёғ кислоталари (ПС ДЁК) массасининг 4% ига тенг миқдорда олинди. Оқлаш жараёни 80-95⁰С ҳароратда, 2-4 мм сим.уст вакуум остида ва аралаштиригичнинг айланиш тезлиги 150 айл/мин. га тенг шароитда ўтказилди (3-жадвал).

ПС ДЁК нинг саноат-тажриба оқлаш натижалари

Кўрсаткичлар номи	ДЁК дастлабки кўрсаткичлари	Ўрганилаётган адсорбентлар ДЁК умумий массасининг 4% и миқдорида	
		Асканит адсорбенти (контрол)	Султон-Увайс каолини
Қотган ҳолатдаги ранги, 20°С да	тўқ-сарик	оч-сарик	сарғиш-оқ
Кислота сони, мг КОН/г	197,6	197,4	198,2
Совунланмайдиган моддаларнинг масса улуши, %	1,5	1,0	0,8
ЁК нинг қотиш температураси (титр), °С	32,8	33,3	33,0
Госсипол миқдори, %	4,8	2,5	2,2
Оқланган ПС ДЁК нинг чиқиши, %	-	97,6	98,1

3-жадвалдан кўриш мумкинки, таклиф этилаётган ўта юқори частотали нурланиш билан фаоллантирилган Султон-Увайс каолини ўз кўрсаткичлари билан Грузиядан олиб келинган асканит адсорбентидан кам эмас. Шу билан, каолин адсорбентидан фойдаланиш ПС ДЁК таркибидан ранг берувчи пигмент госсиполини импорт қилинган асканитга нисбатан кўпроқ йўқотиш имконини берди.

Бинобарин, пахта соапстоги ДЁК ларини оқлаш учун ўта юқори частотали нурланиш билан термик фаоллантирилган Султон-Увайс кони каолинини тавсия эта оламиз.

Оч рангли маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ПС ДЁКнинг суюқ фракциясидан фойдаланиш учун уларни фаоллантирилган гилмоjali адсорбентларда оқлаш зарур.

Таққослаш учун назорат сифатида Грузиядан келтирилган асканит адсорбентидан фойдаланилди. Барча ҳолатларда ўрганилаётган адсорбентлар миқдори ПС ДЁКнинг оқланадиган суюқ фракцияси массасининг 4% ига тенг бўлди. Оқлаш жараёни 65-80⁰С ҳароратда, 2-4 мм сим.уст вакуум остида ва аралаштиргичнинг айланиш тезлиги 200 айл/мин. га тенг шароитда ўтказилди (4-жадвал).

4-жадвалдан кислотали фаоллаштирилган Навбахор ишқорий бентонити ўзининг оқлаш хусусиятларига кўра Грузиядан келтирилган импорт асканит адсорбентига яқинлигини кўриш мумкинки.

Ушбу адсорбент шундай афзалликларга эга бўлса-да, оқланган ПС ДЁК суюқ фракциясининг чиқиши ва госсиполнинг қолдиқ миқдори жиҳатидан ўта юқори частотали нурланиш билан фаоллантирилган Султон-Увайс кони каолини адсорбентидан орқада қолади. Шунинг учун уни маҳаллий каолин адсорбентлари бўлмаган ҳолда, Грузиядан импорт қилинган асканит-бентонит ўрнига ишлатиш мумкин.

ПС ДЁКнинг қаттиқ фракциясини оқлаш учун ўта юқори частотали фаоллантирилган Султон-Увайс каолинидан фойдаланилди ва таққослаш

учун Грузиядан импорт қилинган асканит адсорбенти назорат сифатида ишлатилган. Иккала ҳолатда ҳам ўрганилаётган адсорбентлар миқдори ПС ДЁКнинг оқланаётган қаттиқ фракциялари массасининг 4% ига тенг бўлди. Оқлаш жараёни 80-95⁰С ҳароратда, 3-6 мм сим.уст вакуум остида ва аралаштиргичнинг айланиш тезлиги 150 айл/мин. га тенг шароитда ўтказилди (5-жадвал).

Жадвал 4

ПС ДЁК суюқ фракциясининг саноат-тажриба оқлаш натижалари

Кўрсаткичлар номи	ДЁК суюқ фракциясининг дастлабки кўрсаткичлари	Ўрганилаётган адсорбентлар ДЁК суюқ фракцияси умумий массасининг 4% и миқдорида		
		Асканит адсорбенти (Грузия) (назорат)	Кислотали фаоллаштирилган НИБ	Ўта юқори частотали нурланишли фаоллантирилган СУК
Қотган ҳолатдаги ранги, 20 ⁰ С да	тўқ-сарик	оч-сарик	оч-сарик	сарғиш-ок
Кислота сони, мг КОН/г	198,8	198,2	199,2	198,8
Совунланмайдиган моддаларнинг масса улуши, %	1,6	0,8	1,0	0,6
ЁКнинг қотиш температураси (титр), ⁰ С	31,5	31,8	31,4	31,2
Госсипол миқдори, %	5,2	2,6	2,4	2,1
Оқланган ПС ДЁК суюқ фракциясининг чиқиши, %	-	98,0	97,8	98,3

Эслатма: НИБ – Навбахор ишқорий бентонити, СУК – Султон-Увайс каолини

5-жадвалда ПС ДЁК қаттиқ фракциясини оқлашда ўта юқори частотали нурланиш билан фаоллантирилган Султон-Увайс каолини Грузиядан олиб келинган импорт асканит адсорбентига қараганда самаралироқ эканлиги кўрсатилган. Масалан, госсипол миқдори Султон-Увайс конининг адсорбентида тозалашдан сўнг 2,1%, импорт қилинган адсорбентда эса 2,6% ни ташкил этди. Бундан ташқари, Грузиядан олиб келинган асканит адсорбентида оқлашдан кейин чиқим 97,2% ни, ўта юқори частотали нурланиш билан фаоллаштирилган Султон-Увайс каолини учун эса 98,1% ни ташкил этди. Бу госсиполни Султон-Увайский кони каолини адсорбентида танлаб сорбцияланишини яна бир бор тасдиқлайди.

**ПС ДЁК қаттиқ фракциясининг маълум ва таклиф қилинаётган
адсорбентларда саноат-тажриба оқлаш натижалари**

Кўрсаткичлар номи	ДЁК суюқ фракциясининг дастлабки кўрсаткичлари	Ўрганилаётган адсорбентлар ДЁК қаттиқ фракцияси умумий массасининг 4% и миқдорида	
		Асканит адсорбенти (назорат)	Султон-Увайс каолини
Қотган ҳолатдаги ранги, 20°C да	тўқ-сарик	оч-сарик	сарғиш-оқ
Кислота сони, мг КОН/г	193,2	193,7	193,5
Совунланмайдиган моддаларнинг масса улуши, %	1,7	0,8	0,6
ЁК нинг қотиш температураси (титр), °C	36,2	36,0	36,4
Госсипол миқдори, %	5,3	2,6	2,1
Оқланган ПС ДЁК қаттиқ фракциясининг чиқиши, %	-	97,2	98,1

Шундай қилиб, ПС ДЁК ва уларнинг алоҳида фракцияларини оқлаш учун Грузиядан келтирилган ва олинадиган оқланган ёғ кислоталарининг таннархини анча ошиб кетишига сабаб бўладиган импорт асканит адсорбенти ўрнига, ўта юқори частотали нурланиш ёрдамида термик фаоллантирилган Султон-Увайс (ёки Ангрен) конлари каолинидан фойдаланишни тавсия этамиз. ПС ДЁК ва уларнинг алоҳида фракцияларининг бўёвчи пигменти бўлган госсиполнинг каолинли адсорбентларда бундай селектив сўрилиши, тавсия этилган гилмояли минераллар таркибида Al_2O_3 , TiO ва бошқаларнинг юқори миқдори мавжудлиги билан изоҳланади.

Маълум методика асосида пахта соапстоги дистилланган ёғ кислоталари ва уларнинг қаттиқ ҳамда суюқ фракцияларини оқлашнинг ҳар учала технологиясининг иқтисодий самаралари ҳисоблаб чиқилди (6-жадвал).

Жадвал 6

Таклиф қилинган адсорбентларда дистилланган ёғ кислоталари ва уларнинг қаттиқ ҳамда суюқ фракцияларини оқлаш бўйича ишлаб чиқилган технологияларни татбиқ этишнинг иқтисодий самаралари

№ п.п.	Тадбиқ этилган илмий-техник ишланманинг номи	Тадбиқ қилиш жойи	Иқтисодий самара миқдори, йилига млн. сўмда
1	Пахта соапстоги дистилланган ёғ кислоталарини оқлаш технологияси	АЖ «Урганч ёғ-мой»	390,0
2	Пахта соапстоги ёғ кислоталари суюқ фракциясини оқлаш технологияси	АЖ «Урганч ёғ-мой»	273,0
3	Пахта соапстоги ёғ кислоталари қаттиқ фракциясини оқлаш технологияси	АЖ «Урганч ёғ-мой»	117,0
		Жами:	780,0

6-жадвалдан кўришиб турибдики, импорт қилинадиган асканит адсорбенти ўрнига маҳаллий фаолантирилган гилмояли адсорбентлар ёрдамида пахта соапстоги ёғ кислоталарини оқлаш бўйича учта ишлаб чиқилган технология жорий этилиб, корхонага йилига 780,0 миллион сўмлик умумий иқтисодий самара олиш имконини берди.

Шу билан бирга, атир совун ва косметика маҳсулотларини ишлаб чиқаришда пахта соапстоги ёғ кислоталаридан фойдаланиш имконияти пайдо бўлди.

Шундай қилиб, ишлаб чиқилган гилмояли адсорбентда ДЁК ва уларнинг алоҳида фракцияларини оқлашнинг учта ишлаб чиқилган технологиясини тадбиқ этишдан иқтисодий самарадорлик, йиллик ишлаб чиқариш 1000 тонна оқланган ДЁК ва 1000 тонна уларнинг алоҳида фракциялари бўлганида, йилига 780,0 миллион сўмни ташкил этди.

ХУЛОСА

1. Аниқландики, бентонит ва палигорскит гилларини кислотали фаолантириш жараёнини кучайтириш учун аралаштиргичнинг айланиш тезлиги 1000-1500 айл/мин оралиғида бўлган механик-кимёвий фаолантириш (МКА) дан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

2. Ангрэн ва Султон-Увайс конларининг каолинларини термик фаолантиришда уларнинг умумий ва оралиқ ғовакликлари ҳажмларини максимал даражага кўтариш учун 2450 МГц частотада, 600 Вт қувватли ўта юқори частотали нурланишдан 30 дақиқагача фойдаланиш самаралидир.

3. Асосий ёғ кислоталарининг, ёғ кислоталарига ҳамроҳлик қилувчи бўёвчи ва совунланмайдиган моддаларнинг дистилляциядан олдинги ва кейинги таркиби келтирилди.

4. Пахта соапстоги дистилляцияланган ёғ кислоталарини ишлаб чиқаришда ҳам ёғ кислоталарининг чиқими ва сифатининг роли кўрсатилди.

5. Аниқландики, ёғ кислоталарига ҳамроҳлик қилувчи бўёвчи пигментлар (госсипол, хлорофилл ва уларнинг ҳосилалари ва бошқалар) турли хил кинетик сорбция параметрларига эга, бу эса кейинги самарали маҳаллий адсорбентларни излаш учун асос яратади.

6. Аниқландики, ёғ кислоталарига ҳамроҳлик қилувчи компонентлар термик фаолантирилган каолинли адсорбентда қуйидаги камайиш тартибида сорбцияланади: фосфатидилхолинлар> фосфатидилэтанолламинлар> фосфатидилэринлар> фосфатид кислоталар ва бошқалар.

7. Аниқландики, каолинли адсорбентларда тўйинган ёғ кислоталари (масалан, пальмитин - $C_{16:0}$ ва стеарин кислота - $C_{18:0}$) тўйинмаган (линол - $C_{18:2}$, линолеин - $C_{18:3}$ ва олеин - $C_{18:1}$) кислоталарга қараганда кўпроқ адсорбцияланади.

8. Аниқландики, госсиполни ПС ДЁК таркибидан максимал даражада олиб ташлаш ва оқланган маҳсулотнинг юқори чиқимини таъминлаш учун, Султон-Увайс ёки Ангрэн конлари фаолантирилган каолинли

адсорбентларини ЁК умумий оғирлигининг 4 дан 6% гача миқдорида ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

9. ПС ДЁК ва уларнинг алоҳида фракцияларини маҳаллий гилмояли адсорбентларда даврий ўрнига узлуксиз усулда оқлашнинг технологик схемаси ва шартлари ишлаб чиқилди.

10. Ишлаб чиқилган гилмояли адсорбентларда ДЁК ва уларнинг алоҳида фракцияларини оқлашнинг учта ишлаб чиқилган технологиясини "Урганч ёғ-мой" АЖ да татбиқ этишдан иқтисодий самарадорлик, йиллик ишлаб чиқариш 1000 тонна оқланган ДЁК ва 1000 тонна уларнинг алоҳида фракциялари бўлганида, йилига 780,0 миллион сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ИНСТИТУТЕ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

РУЗМЕТОВА ДИЛДОРА ТУЛИБАЕВНА

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ОТБЕЛКИ
ДИСТИЛЛИРОВАННЫХ ЖИРНЫХ КИСЛОТ
МЕСТНЫМИ ГЛИНИСТЫМИ АДСОРБЕНТАМИ**

02.00.11- Коллоидная и мембранная химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована под номером В2019.4.PhD/T583 Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистана.

Диссертация выполнена в Ургенчском государственном университете.
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.ionx.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Салиханова Дилноза Саидакбаровна
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Исмоилов Равшан Исроилович
к.т.н., доцент, профессор

Эркабаев Фуркат Илясович
техника фанлари доктори

Ведущая организация:


Наманганский инженерно - технологический институт


Защита диссертации состоится «20» ноябрь 2020 года в «10⁰⁰» часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.K/T.35.01 при Институте общей и неорганической химии по адресу: 100170, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90; e-mail: ionxanuz@mail.ru


Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии за № 18 с которой можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре (100170, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60).

Автореферат диссертации разослан «9» 11 2020 года.
(протокол рассылки № 18 от «9» 11 2020 года).




Б.С.Закиров
Председатель Научного совета
по присуждению учёной степени,
д.х.н., профессор


А.Р.Сейтназаров
Учёный секретарь Научного совета
по присуждению учёной степени,
д.т.н.


С.А.Абдурахимов
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению учёной
степени, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире большое внимание уделяется производству и переработке жирных кислот, на основе которых производят поверхностно-активные вещества (ПАВ), мыла, эфиры, спирты и т.п. Поэтому, основное внимание уделяется источнику получения жирных кислот, в частности растительным маслам, которые являются возобновляемыми сыревыми источниками. В настоящее время во всем мире проводится научно-исследовательские работы по созданию научных основ повышения качества жирных кислот и продуктов его переработки, используемых в качестве жировых основ производства туалетного мыла, кремов, мазей и других парфюмерно-косметических изделий.

Во всем мире обоснование следующих научных решений по распространению видов сырья для производства жирных кислот, их разделению и применению: определение показателей качества процесса перегонки сырых жирных кислот; подбор эффективных пленочных адсорбентов для очистки и отбеливания дистиллированных жирных кислот; разделение дистиллированных жирных кислот на твердую (насыщенную) и жидкую (ненасыщенную) фракцию и определение их качественных показателей; необходимо разработать технологию очистки и отбеливания дистиллированных жирных кислот выбранными активными газообразными адсорбентами.

В настоящее время для рационального использования в соответствующих направлениях республики достигнут определённый прогресс в производстве хлопкового соапстока из дистиллированных жирных кислот и их разделении на насыщенные (твёрдые) и ненасыщенные (жидкие) фракции. В третьем направлении Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан предусмотрены важные задачи по «...разработка новых производственных технологий, основанных на глубокой переработке местного сырья, вывод производства на новый уровень качества, модернизации и ускоренного развития сельского хозяйства».² В этом аспекте важно улучшить качество и расширить сферу применения, в том числе жирных кислот, полученных из местного сырья, например, мыла из хлопка. Данное исследование в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», № УП-3484 от 19 января 2018 года «О мерах по ускорению развития нефтяной отрасли» и 16 января 2019 года и Постановлении № ПП-4118 «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию нефтяной отрасли и внедрению рыночных механизмов в управлении отраслью», а также

² Указ Президента Республики Узбекистан №4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

выполнение задач, предусмотренных другими нормативными актами, относящимися к данной деятельности.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии в республике VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Научными исследованиями по технологии производства жирных кислот и их фракционированию, а также адсорбционной очисткой занимались: А.Л.Маркман, Б.Н.Тютюнников, И.М.Товбин, А.И.Глушенкова, Р.Л.Перкель, А.Г.Сергеев, В.В.Белобородов, Н.С.Арутюнян, Е.П.Корнена, О.С.Восканян, В.Х.Паронян, Н.Л.Меламуд, А.А.Абдурахимов, Ю.К.Кадилов, Т.Т.Мирхаликов, С.А.Абдурахимов, К.Х.Маджидов, И.Б.Исабаев и другие. Ими совершенствованы технологии получения жирных кислот, их дистилляции, фракционирования, отбелки, которые в определенной степени позволили повысить качество и расширить области их применения.

